

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
БОЖХОНА ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ЧУҚУРЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
ФАОЛИЯТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

*Республика илмий-амалий конференцияси
материаллари тўплами*



Тошкент - 2022 й

“Иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. - Тошкент. ДБҚ БИ, 2022 й. -168 б.

Тўпламда иқтисодий интеграция жараёнларини чуқурлаштириш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари ва истиқболлари юзасидан баён этилган тезислар берилган.

Уларда божхона маъмурчилигини такомиллаштириш, божхона тизимини жадал ислоҳ қилиш, божхона маъмурчилигини янада соддалаштириш орқали иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш механизмини такомиллаштириш, божхона тартиб-таомилларини ривожланган хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида уйғунлаштириш, мамлакатимизда олиб борилаётган божхона ислоҳотларини хуқуқий таъминлаш самарадорлигини ошириш, рақамли божхонани ривожлантириш йўналишлари бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

Таҳрир ҳайъати:
т.ф.д., профессор К.Каримқулов
и.ф.д., доцент Ш.Муратова
к.ф.н., доцент З.Садиков
т.ф. PhD Ф.Хакимова

Тезислар мазмуни ва келтирилган маълумотларнинг хақиқийлиги учун муаллиф масъул ҳисобланади.

Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти, 2022 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ СҮЗИ

6

1. ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИДА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ

А.Шадманкулов, М.Мухаммадиева. Халқаро ташкилотлар ва хорижий божхона хизматлари билан ўзаро манбаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш йўналишлари.....	9
D.Turgunov. In the process of economic integration to improve the mechanisms of the financing system in innovative development.....	13
У.Батиров. Божхона органларида хавфни бошқариш тизимини қўллашнинг назарий–иктисодий аҳамияти ва оқибатлари.....	15
Д.Байжанов. Анъанавий ва ислом банкчилиги ўртасидаги асосий назарий ва амалий фарқлари.....	20
Б.Байхонов, У.Отажанов. Иқтисодий ривожланишда “рақамли” иқтисодиётнинг аҳамияти.....	24
У.Сайдов. Халқаро йўлларда ташиш китобчasi қўлланилишининг айrim жиҳатларига оид.....	27
Қ.М.Каримқулов, Ш.Ж.Содиқжонов. Ўзбекистон божхонасида амалга оширилаётган ислоҳотлар: натижалар ва истиқболдаги устувор йўналишлар.....	31
З.Абдуллаев. Халқаро операцияларда молиявий хизматларни соликқа тортиш масалалари.....	34
Sh.Muratova, I.Matkarmova. Iqtisodiy integratsiya jarayonlarida oziq-ovqat tovarlari xavfsizligini ta'minlash masalalari.....	36
Н.Жабборова. Анализ последствий вступления в вто развивающихся стран и рекомендации для узбекистана.....	39
З.Куватова. Ўзбекистон бож-тариф тизимини иқтисодий интеграция жараёнларга мувофиқлаштиришдаги муаммолар ва уларга таъсир этувчи омиллар.....	45
А.Юсупов. Жаҳон савдо ташкилотига интеграциялашув тажрибаси.....	50
Н.Р.Рахмонова. Хорижда рўйхатга олинган автотранспорт воситаларини фуқаролар томонидан вақтинчалик олиб кириш тартибини жорий этишга оид муаммолар.....	55
S.Salamov. Xalqaro bojxona hamkorligi innovatsion biznesni optimallashtirishning asosiy vositasi sifatida.....	60
E.Shadmanov. O'zbekistonda tashqi iqtisodiy faoliyat yo'nalishlari va milliy manfaatlarga tahdidlar.....	62
Ш.Тўлаганова. Ўзбекистонда хорижий инвестициялардан фойдаланиш ва бошқаришни кучайтиришнинг зарурлиги.....	67

- ✓ «Ягона дарча» божхона ахборот тизими имкониятларини кенгайтирилади.
- ✓ 2022 — 2024 йилларда божхона органлари тизимида аёл ходимлар улушини камиди икки бараварга ошириш чоралари кўрилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу юқоридаги вазифаларини бажаришдан мақсад шуки, божхона маъмуриятчилигини янги босқичга олиб чиқиши, божхона тизимида рақамли технологияларни кенг қўллаш орқали инсон омилини камайтириш, божхона назорати шаклларини хавфларни бошқариш принципларига асосланган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали «Рақамли божхона»га ўтиш, рақамлаштириш туфайли барча тартиб-қоидалар онлайн тарзда, қофозсиз савдо кўринишида амалга ошириш, божхона соҳасини очиқлик, шаффофлик ҳамда ишончлилик тамойиллари асосида коррупсиядан ҳоли тизимга айлантириш ҳисобланади.

ХАЛҚАРО ОПЕРАЦИЯЛАРДА МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРНИ СОЛИҚКА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ

Абдуллаев Зафаржон Алижонович
*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
 “Иқтисодий фанлар” кафедраси профессори, иқт.ф.д.(DSc),
 E-mail: zafarjon1808@mail.ru.*

Корпоратив солиқ тизимида бошқа солиқ тўловчилар каби банкларга солиқ базасидан қарз бўйича харажатларини (қарзли молиялаштириш) камайтиришга рухсат берилган. Базель Шнинг норматив талаблари туфайли (масалан капиталга минимал талаблар ёки рискли активларни таъминлаш) банклар қарзли молиялаштиришга жуда катта эътибор бера олмайди, чунки бу уларнинг капиталнинг етарлилик коэффициентини ёмонлаштиради ва банк назорати органлари томонидан назорат кучайишини рағбатлантиради.

Халқаро солиқ ставкаларида фарқ ёрдамида, яъни фойдани юқори солиқ юрисдикциясидан паст солиқ юрисдикцияларига ўтказиш орқали банклар консолидирлашган солиқ харажатларини камайтиришлари мумкин. Банклар, одатда, номоддий активлар ва мураккаб молиявий структурани яратиш ҳамда деревативлар (ҳосилавий молиявий инструментлар) орқали солиқ харажатларини камайтиришда бошқаларга нисбатан (фойдани ўтказиш) устунликларга эга. Солиқни минималлаштириш учун янада радикал ёндашув 1996 йилдаги АҚШ Солиқ кодексига киритилган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, S параграфига мувофиқ, фойдага корпоратив даражада эмас, балки акционерлар даражасида солиқ солинади (ташкилий хўжалик шаклини танлаш). Ўз солиқ харажатларини минималлаштириш билан бир қаторда банклар қарор қабул қилиш жараёнларининг бошқа соҳаларида корпоратив даромадларни солиқка тортиш имкониятларини кўриб чиқишлиари мумкин. Бу мижозларнинг айрим солиқ позициялари бўйича солиқ даъволари заиф бўлганда қўлланилиши

мумкин бўлиб, солик органларининг мазкур позицияларга қарши бўлиши мижозлар учун қўшимча соликларга олиб келиши мумкин. Агарда бу ҳолатлар учун аввалдан солик захирасини яратиш кўзда тутилмаган бўлса, бу мижозларнинг эркин пул оқимларини камайтиришга олиб келади. Пул оқимларининг камайиши фоиз тўловлари ва кредитлар қопланишига таҳдид солади. Тўловнинг ноаниклиги сабабли кредит дефолт риски ортади, банклардан дефолт эҳтимоли мутаносиб равишда (қўшимча) резервларни шакллантириш талаб қилиниши мумкин (дефолт рискини баҳолаш). Молиявий ҳисботнинг шаффоғлиги корпоратив соликқа тортишнинг бевосита натижаси ҳисобланмаса-да, янги ҳисбот қоидалари, масалан, “Капиталга талаблар тўғрисида”ги директиванинг (CRD, IV) 89-моддасига асосан Европа иттифоқидаги (ЕИ) банклар учун мамлакатлар бўйича оммавий ҳисботларни жорий қилиш (The introduction of public country-by-country reporting—CbCR) каби янги ҳисбот қоидалари банклар томонидан қарор қабул қилишда ҳисобга олиниши мумкин (молиявий ҳисбот шаффоғлиги). Бу, биринчидан, инвесторлар ва банкларнинг ўзи учун молиявий ҳисботлар шаффоғлигини оширади. Бунда инвесторларнинг мамлакатлар ва амалдаги соликлар бўйича фойда тақсимланиши тўғрисидаги қўшимча маълумотларга эга бўлишлари оқибатида, келажақдаги солик харажатлари ва фойдани аниқроқ прогноз қилишлари мумкин. Иккинчидан, банк фаолияти шаффоғлиги ортиб бориши туфайли солик аудитининг олдини олиш ёки обрўсини йўқотиш рискини камайтириш мақсадида улар соликқа тортиш структурасини ўзгартеришлари мумкин (солик мажбурияти/солик қонунларига риоя қилиниши).

Банклар фаолияти ва корпоратив фойдани соликқа тортиш кесишмаси бўйича тадқиқотларда корпоратив фойда солиғининг банклар фаолиятига таъсири таҳлил қилинади, бунинг банкларнинг асосий манфаатдор томонларига (мижозлар, регуляторлар, инвесторлар ва солик органларига) таъсир даражаси баҳоланади. Банклар қарор қабул қилиш жараённада корпоратив даромадни соликқа тортишни ҳисобга олиши бежиз эмас. Чунки, далиллар шуни кўрсатадики, корпоратив фойда солиғи банкларнинг ўз солик юкининг бир қисмини мижозларга ўтказишни рағбатлантириш орқали карзли молиялаштиришни ривожлантиради ҳамда мамлакатлардаги солик ставкалари фарқидан фойдаланишга ва кутилган фойда харажатлардан юкори бўлса, ташкилий хўжалик шаклини ўзгартеришга ундейди.

Капиталдан даромадга оптимал солик солиши тўғрисидаги илмий назарияларга асосланган ҳолда банк фаолияти молиявий воситачиликдан иборат эканлигидан келиб чиқиб, банк фойдаси соликқа тортилмаслиги керак деган хulosи шаклланиши мумкин. Бироқ, бизнинг фикримизча, жараёнлар иқтисодиётнинг бошқа секторида юз берганда молиявий хизматлар кўрсатишида капиталдан олинадиган даромадлар нисбатан паст ставкада соликқа тортилиши лозим. Корпоратив фойда солиғи бирламчи ноаниқ таклифга асосланганда, бу қарзли молиялаштириш учун наф келтиради, чунки фоиз тўловлари фойдани соликлардан ҳимоя қиласи. Агарда қарз қийматини қоплаш имконияти бўлмаса, бу 100 фоиз қарзли молиялаштиришни англатади. Бироқ Modigliani-

Miller теоремаси трансакция харажатларининг юқорилиги, банкротлик, агентлик низолари, нотўғри танлов ва бошқа ҳолатларда ишламайди. Солик қиймати ошиб бориши шароитида, компаниянинг оптимал ёки мақсадли қарз нисбатига эга бўлиши ва левараждаги кичик ўзгаришдан ҳимоя қилиниши, ўз навбатида, молиявий қийинчиликларнинг қўшимча харажатларини аниқ компенсация қилади. Бунда оптимал қарз нисбати компанияларнинг рентабеллиги, активлар риски таснифи ва корпоратив даромад солиги даражаси билан аниқланади

Шу билан бирга, халваро амалиётда банк маҳсулотларига нисбатан ҚҚС қўлланилиши, банклар фаолиятини соликка тортишни такомиллаштиришнинг мураккаб муаммоларидан ҳисобланиб, ҳисоб фактураси қўлланилиши билан боғлиқ муаммолар сабаб аксарият мамлакатларда молиявий хизматларга ҚҚС солинмайди ва бу режим реал иқтисодиёт учун бир қанча бузилишларни юзага келтирди¹². Яъни, банклар томонидан кирим қилинган ресурслар бўйича қопланмайдиган ҚҚС тўлаб берилади ва банкларнинг сотилган маҳсулотларидан ҚҚС олинмайди. Шу билан бирга, илмий изланишлар натижасида, молиявий хизматларга ҚҚС солиниши ёки товар (иш) хизматлар етказиб берувчиларга тўлаб берилган ҚҚСнинг қисман ҳисобга олинниши билан солиштирилганда, нисбатан молиявий воситачилик хизматлари қиймати юқорироқ бўлиши аниқланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Европа иттифоқининг “Капиталга талаблар тўғрисида”ги директиваси.
2. Yilmaz F. and Baydur I. (2018). "VAT Treatment of the Financial Services: Implications for the Real Economy," Working Papers 1815, Research and Monetary Policy Department, Central Bank of the Republic of Turkey. <https://www.tcmb.gov.tr/wps/wcm/connect>.

IQTISODIY INTEGRATSIYA JARAYONLARIDA OZIQ-OVQAT TOVARLARI XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH MASALALARI

Muratova Shohista Nimatullayevna
Bojxona instituti professori, i.f.d.(DSc)

Matkarimova Iroda Muxtorovna
Bojxona instituti magistratura tinglovchisi

2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasining milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o‘sish sur’atlarini ta’minlash yo‘nalishida oziq-ovqat sanoatini rivojlantirish dasturini amalga oshirish vazifasi milliy iqtisodiyot barqarorligini ta’minlash va yalpi ichki mahsulotda sanoat ulushini oshirishga qaratilgan sanoat siyosatini davom ettirib, sanoat mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmini 1,4 baravarga oshirish bo‘yicha 22-maqsadi bilan belgilab

¹²Yilmaz F. and Baydur I. (2018). "VAT Treatment of the Financial Services: Implications for the Real Economy," Working Papers 1815, Research and Monetary Policy Department, Central Bank of the Republic of Turkey. <https://www.tcmb.gov.tr/wps/wcm/connect>.